

Оқмачитлик қизлар ҳам “Беш ташаббус олимпиадаси” республика босқичида фахрли З-ўринни қўлга киритишиди

Айни кунларда республикамиз бўйлаб “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида оммавий спорт мусобақаларининг якуний финал босқичлари ўтказилмоқда.

Жумладан енгил атлетика бўйича қизлар ўртасидаги “Б” ва “С” лига мусобақаларига Тошкент вилояти мезбонлик қилди.



Чирчик шаҳрида кўтаринки руҳда ўтказилган мусобақаларда Ўзбекистон туманининг Оқмачит маҳалласидан иштирок этган қизлар жамоаси фаол иштирок этиб, фахрли З-ўринни қўлга киритишиди.

Қайд этилишича, мусобақада умумий ҳисобда 500 нафардан зиёд иштирокчилар катнашган.



Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бугун бўлажак чемпион қизлар билан учрашиб, уларнинг келгусидаги ўқиш ва спорт мусобақаларида улкан зафарлар тилади.



Оқмачитлик енгил атлетикачи қизларга мусобақанинг диплом, медал, эсдалик совғалари ҳамда улар таҳсил олаётган 50-умумтаълим мактабида Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан универсал спорт майдончаси қуриб бериш түғрисидаги сертификат топширилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-06-27 20:55:54